

26 -сөнли
ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

Кегейли тумани

"31" 05 2022 ийл

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Кегейли ададында номидан Низом асосида иш юритувчи директор М.Хамзанов, бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган ООО Нукус Электромонтаж номидан Устав асосида иш юритувчи директор Нуратдинов С., иккинчи томондан, Кегейли тумани Жузимбаг ОФЙ худуди Чимбой-Нукус трасса бүйиге(3.0км) оралигка түнгі ёритгич чирокларини урнатиш ишларини бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини түздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада күйидаги таърифлар кўлланилади:

ижро хужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда обьект реконструкция килишга ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини таєдикловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар таєдикланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, курилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари хамда курилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

курилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтичалик ишпоотлар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар кандай типдаги вақтичалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқини - ишларнинг ҳар бир боскичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган холда шартнома бўйича обьектнинг умумий қийматини боскичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича обьектда реконструкция килиш ишларини лойиҳа-смета хужжатларида кўзда тутилган холда бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Субпудратчига реконструкция килиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул килиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича обьектнинг қиймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда амалдаги нархда таҳминан 349 244 466 (Уч юз кирик тоқкиз миллион иккى юз кирик торт минг торт юз олтминг олти) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, күйидаги холлар бундан мустасно:

- обьектнинг (ундаги сунъий иншоотлар, кўпприклар ва тонелларнинг) реконструкция килиш ишлари қийматини кўпайтиришига енгib бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда;

- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

- обьектнинг реконструкция килиш ишлари бир йилдан ортиқка ўзгартирилганда;

5. Объектни реконструкция килиш ишлари муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Агарда, Пудратчининг айби билан реконструкция килиш ишлари муддати узайтирилса, шартномавий нархлар жорий нархларга ўтказилмайди.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўпимча битим билан расмийлаштирилади.

7. Лойиҳа-смета хужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари Пудратчи томонидан тўлиқ ва сифатли килиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлари смета хужжатларида кўзда тутилган маблаглардан амалда иктисад килинса, ушбу маблагни айрим харажатлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини коплаш учун обьектнинг умумий қиймати доирасида асословчи хужжатлар асосида Буюртмачи ва Бош Буюртмачини хабардор килган ҳолда йўналтирилиши мумкин.

IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

8. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

реконструкция ишлари бошланишдан олдин обьектда реконструкция ишларини олиб бориш даври учун, Пудратчи иштирокида реконструкция қилилаётган йўл қисмини ва ундаги мавжуд йўл элементларини далолатнома асосида йўлдан фойдаланувчи ташкилотдан қабул олади ва курилиш-монтаж ишлари якуилангандан сўнг фойдаланувчи ташкилотга топширади. Реконструкция қилиш ишлари олиб борилаётган даврда ушбу йўл қисмидаги йўл ва йўл ишшоатлари элементларини сакланаш ишларини амалга оширади;

объектнинг ижро хужжатларини расмийлаштириш ва Буюртмачига топшириш, курилиш материалларининг мувофиқ сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

шартнома шартларига асосан обьектни Буюртмачига тасдиқланган лойиҳага мувофик топширади;

зарур холларда айрим иш турларининг бажарилишида лойиҳа-смета хужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси ва лойиҳачи ташкилотнинг тегишли хуносаси асосида амалга оширилиши мумкин;

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг I-иловасида белгиланган, ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, ўзининг кучлари билан қурилиш коидалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топширади;

объектга зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, бошка хом-ашёлар ва қурилиш техникасини ўз вақтида ҳамда зарур ҳажмларда етказиб бериш, уларни қабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклашни амалга оширади;

зарур холларда қурилиш майдони худудида вақтинчалик ишшоатлар қуради;

курилиш майдонида техника хавфесизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтқазилган даражатларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлайди;

мазкур шартнома бўйича обьектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатади;

курилиш майдони кўрислинанини таъминлайди;

ўрнатилган тартибда обьектни суғурталанишини таъминлайди;

Буюртмачининг хизматлари харажатларини коплайди;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажарини мажбуриятини ўз зиммасига олади;

лоиҳа-смета хужжатларига асосан мухандислик коммуникацияларни қуриш, кучириш (газ, алоқа, сув, канализация, электр утказиш тармоқлари ва ҳаказо) бўйича маҳсус ёрдамчи пудрат ташкилотларини жалб қилган ҳолда қурилиш-монтаж ишларини бажаришни ўз зиммасига олади.

9. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда обьектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

V. БОП БЮОРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

10. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

Ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат қилиши, Пудратчидан тугалланган ишларни, амалдаги конунчиллик хужжатларига мувофик равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

Пудратчини зарур холларда обьектга айрим зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, бошка хом-ашёлар билан таъминлаш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 20 кун давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажарини мажбуриятини олади.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

11. Пудратчи мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб ишларни бажарипига киришади.

Мазкур шартнома бүйича белгиланган реконструкция қилиш ишларининг давом этиш вакти ишларни бажарип жадвалига асосан амалга оширилади.

12. Мазкур шартнома бүйича ишлар, ишларни бажарип жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. ТҮЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

13. Буюртмачи ва Пудратчи хар ойда бажарилган курилиш – монтаж ишларини “Матъумотнома-хисоб-фактура” билан расмийлаштирилади, бунда ишларнинг конструктив элементлари (турлари) бүйича физик ва киймат курсаткичлари I ва Ia-иловаларга асосан акс эттирилади ва 2-иловага асосан молиялаштирилади.

14. Объектнинг шартномавий жорий кийматидан 5 фоиз микдоридаги маблаг, объект давлат кабул комиссияи томонидан фойдаланишга қабул қилиб олинган кундан кафолат муддати утгандан кейин, лекин молиявий йил якунланмаедан олдин молиялаштирилади.

15. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бүйича объектга мулк хуқукини ўзида саклаб колади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

16. Буюртмачи мазкур шартнома бүйича ўз зиммасига қабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равинда хабардор килган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритишни талаб қилиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш хукукига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

17. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини - техник кузатувчини тайинлади, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

18. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсикесиз танишиш хуқуқига эгадир.

19. Пудратчи техник кузатувчини ишлаш учун жой билан таъминлади. Техник кузатувчи Буюртмачи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чогида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равинда катнашади.

20. Пудратчи қурилиш даврида Буюртмачининг вакилини (техник кузатувчини) вактинчалик янани жойидан таъмирланадиган йўл кисмигача бориб келишига транспорт, қурилиш майдонида иш жойи, лозим топилгандан ётк жой (дала шароитида) таъминлашни ўз зиммасига олади.

21. Пудратчи объектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини ижро ҳужжатларини, қилинган сарф-харажатларни Буюртмачи томонидан мазкур объект учун биринчирилган техник кузатувчи билан хар ойнинг 25 кунидан ойнинг охиригача объектнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлик маълумотни (белгиланган шаклларда ижро ҳужжатлари билан) кейинги ойнинг биринчи кунига қадар Республика йўл жамгармасига топширади.

Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганилиги аникланганда, кейинги ойларда бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

Ишларни бажарини жараённида, ишлаш технологияси ва сифатини бузмаган ҳолда, уз имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда ишлаш усули ва машина механизимларнинг бир туридан бошқа ишлаб чиқариш қуввати баланд/паст механизимларга алмаштириш ва амалда бажарилган иш ҳажмлари баҳосини аникланашда Пудратчи амалдаги нарх ва механизимлар бўйича расмийлаштириш хукукига эга.

22. Пудратчи ишларни бажарини лойихасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимидаги кўреатирилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажарини мустакил равинда ташкил этади.

23. Пудратчи объектда ишларни олиб бориши тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келинади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларидан белгиланган тартибда жавоб беради.

24. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

25. Буюртмачи қурилиш майдонини бериши тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгиласи бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

26. Пудратчи геодезия нұқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг түгри ва зарур тарзда жетекшілік атқарылғандағы жағдайлардың жөннөштік мурасынан және біліштік мурасынан мувофиқлиги түгри жойлашғанлығы учун жавоб беради.

Агақ ишларни бажағыш жағаённанда амалға оширилған бўлиш ва геодезия ишларидаги хатолар аникланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

27. Пудратчи геодезия бўлиш ишларидаги координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклади, ишларни бажағыш даврида ва улар тугалланғандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

28. Курилиш майдонида ишларни бажағини даврида коммуникацияларни вактинча улашини ва улаш нұқталаридаги янгидан курилған коммуникацияларни улашни Пудратчи амалға оширади.

29. Пудратчи ўзи томонидан курилишда кўлланиладиган курилиш материаллари, асбобускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларидаги кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

30. Алоқида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни кабул килиш бошланғышдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитеккурилишназорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

31. Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (боқичи) бўйича қабул килиб олиш уларнинг кейинги тур (боқич) ишлари бошлангунга қадар бажағилишига қараб амалға оширилади. Ишларни куйидаги таркибдаги комиссия қабул килиб олади: Буюртмачининг вакили – техник назоратчи (раис), Пудратчи ташкилот вакили – иш бажаравучи ёки устга, лаборант ва геодезист (зарур холларда), йўлга хизмат кўрсатадиган йўл ташкилоти вакили, лойиха ташкилоти вакили (кўтариб турувчи конструкцияларни қабул килиб олишда). Ёпилиб кетадиган ишларни қабул килиб олиш натижалари ўрнатилган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул килинадиган ишларнинг лойиха, норматив-техник хужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс эттирилади. шунингдек қабул килинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажағишга рухсат берилади. Далолатномага ўлчовлар кайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова килинади.

32. Пудратчи Буюртмачининг ишларни қурилиш-монтаж ишларини бажағилишини юритиш дафтарларига киритидиган ёзма рухсатномасидан кейинги ишларни бажағишга киришади.

33. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажағилган бўлса ёки у бу хақда хабардор қилинимаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган кисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга маъжбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган йиғи хужжатларидан майда четга чиқишлиарни Буюртмачининг розилигисиз амалға оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига ва қийматига таъсир этмаганлыгини исботласа жавобгар хисобланмайди.

Объектни реконструкция килиш жағаённан технологик жараён олиб боришишнинг түгрилиги, бажағиладиган ишлар ҳамда фойдаланиладиган материалларнинг сифати юзасидан техник назоратни амалға ошириши, шунингдек ёпилиб кетадиган ва оралик ишларни қабул килиб олишда Буюртмачи томонидан комиссия таркибидаги иштирок этиши учун ушбу объектга хизмат кўрсатадиган йўл ташкилоти жалб этилиши мумкин.

Объектнинг бажағилган ишлари ва тугалланған объектларини ойлик (оралик) қабул килиб олиш буюртмачи ва Пудратчи томонидан расмийлаштирилади. Бажағилган ишлар ва йўлларнинг тугалланған конструктив элементларини ойлик (оралик) қабул килиб олиш натижалари белгиланған шаклда маълумотнома-хисоб-фактура билан, миқдор ва қиймат кўрсаткичлари хисоб-китоб жадвалида акс эттирилган ҳолда белгиланған шаклда расмийлаштирилади.

34. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи Пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажағилганлыгини аникласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари ва маблаглари хисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажағишга маъжбурдир, ушбу шартнома 35-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган холлар бундан мустасно.

35. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода саклади.

36. Ишлар бошланған тайтдан бошлаб улар тутағланғунгача Пудратчи қурилиш-монтаж ишларини бажағилишини юритиш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган холлар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланғышы ва тамом бўлиши санаси, ишларнинг қабул килиб олиниши, ўтказилган синовлар, кунлик ўртacha ҳаво ҳарорати ва ёғин гарчиликлар, шунингдек курилишини туталлашнинг узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у холда ишларни бажариши дафтарда ўз фикрини баён қилади.

Пудрагчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни З кун мурдатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

37. Пудрагчи ишлар бошланишидан реконструкция килиш тугаллангунгача ва реконструкция килиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга кадар четлари тўсилган курилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, курилиш техникаси ва бошка мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

38. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгуб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тўлик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш мурдати енгуб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

39. Агар енгуб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у холда Буюртмачи ва Пудратчи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар кўрилишини муҳокама киладилар.

40. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бескор қилинишини талаб қилишга ҳақидидир.

XI. РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ ИШЛАРИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

41. Реконструкция килиш ишлари тугалланган обьектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофик мазкур шартномаданазарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафida бажарилган кейин, шунингдек реконструкция килиш тугалланган обьектларни фойдаланишга қабул қилиб шунингдек реконструкция килиш тугалланган обьектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш шаҳарсозлик нормалари, коидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

Реконструкция қилинган обьект ёки унинг участкалари (ишга тушириш мажмуалари) куйидаги икки босқичда;

Объектнинг тугалланганлиги ва у қабул қилиб олишга тайёрлиги тугрисида Пудратчи ташкилотнинг хабарномасидан кейин ишчи комиссиялар томонидан;

Ишчи комиссиясан тавсияномаси ҳамда обьектнинг фойдаланишга қабул қилиб олишга тақдим этиш тугрисида Пудратчидан хабарнома олинидан кейин давлат қабул комиссиялари томонидан фойдаланишга қабул қилинади.

Пудратчи ташкилот томонидан ишчи комиссияга куйидаги хужжатлар тақдим этилади:

- курилиш-монтаж ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда масъул ижроочилари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;
- қабул қилишга тақдим этилган йўлнинг техник лойихаси ва ишчи чизмалари туплами ижро схемалари;

- ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари;

- йул курилиш материаллари ва йул тўшмаларининг конструктив қатламларидан кесиклар (тупроқ жинслари) синовлари журнallари, мувофиклик сертификациялари;

- ишларни бажарииш ва муаллифлик назорати журнallари;

Ўзбекистон Республикаси “Давархитекткурилиш” кумитаси Давлат архитектуракурилиш назорати худудий инспекциялари томонидан курсатилган камчиликларни бартараф этиш далолатномалари.

42. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тугрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси асосида Буюртмачи томонидан белгиланган тартибда қабул қилиб олинади.

43. Пудратчи реконструкция килиш тугалланган обьектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун оддин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофик Буюртмачига, Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро хужжатларини беради. Пудратчи, Буюртмачига ушбу хужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулик мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

44. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб обьект давлат мулкига айланади ва ўрнатилга тартибда йўллардан фойдаланиш корхонаси балансига ўтади.

XII. КАФОЛАТЛАР

45. Пудратчи:

барча ишлар түлиқ хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха-смета хужжатларига хамда қурилиш мөйрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни сифатли бажариши;

ўзи томонидан қурилиш учун кўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларидага кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофиқлигини;

шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз хисобидан бепул бартараф этишини;

объектдан фойдаланилганда мұхандислик тизимлари ва ускуналарниң фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

46. Объект ва унга кирадиган мұхандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар реконструкция қилиш тугалланган обьектни қабул килиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлиб 12 ой этиб белгиланади.

47. Агар обьектдан фойдаланишининг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга кадар фойдаланишини давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюргачининг иккى томонлама далолатномасида қайд этилади.

48. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўреатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган такдирда, уларни текшириб чиқиш "Давархитекткурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат килишини истисно этмайди.

XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

49. Буюргачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланишини Буюргачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тутагишининг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш мөйрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайшига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

50. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюргачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб кўйилганда;

Буюргачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

51. Шартнома бекор қилинганда Буюргачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра туталланмаган қурилиш 1 ой муддатда Буюргачига берилади, Буюргачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.

52. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор кўйланган томон мазкур бўлим қоидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришинома юборади.

53. Шартнома бекор қилинган такдирда айбордомон иккинчи томонга етказилган заарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

54. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл кўйилмайди, қонун хужжатларидаги ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

55. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбордомон:

иккинчи томонга етказилган заарларни коплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошка қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда башкача жавобгарликка тортилади.

Реконструкция килиш ишларини олиб бораётган Пудратчи ташкилот қонунчиликка асосан ва шартномага мувофиқ Буюртмачи олдида куйидаги ишлар бўйича мулкий жавобгардир:

сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари;

объектни ҳамда унинг боскичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалламагани;

Буюртмачи билан тузилган шартнома асосида қурилиш-монтаж ва бошка ихтинослаштирилган ташкилотлар томонидан ускуналарни монтаж килиш муддатларини бузилиши;

объектнинг лойиха-смета хужжатларида белгиланган ерларни рекультивация қилиш ишлари бажариш ҳажмлари ва муддатларининг бузилиши;

реконструкция килиш жараёнида ёки оралик кабул қилишда Пудратчи, муаллифлик назорати ва бошка назорат органлари томонидан аникланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар ва нуксонларни бартараф этишин орқага суриш;

шартномада кўзда тутилган бошка мажбуриятларни бажармагани ёки тўлақоили бажармагани.

Пудратчи ташкилот томонидан ишларнинг бажарилишида пудрат шартномасидан чекиниш ёки бошка камчиликлар мавжудлигида Буюртмачи, агар қонунчилик ёки шартномада бошка шартлар кўзда тутилмаган тақдирда, Пудратчи ташкилотдан ўз ихтиёрига кўра куйидагиларни талаб қилиш хукукига эга:

нуксонларни оқилона муддатларда ўз хисобидан бартараф этишини;

Агар Пудратчи ташкилот нуксонларни келишилган муддатларда бартараф этмаса, Пудратчи ёки йўлдан фойдаланувчи ташкилот ўз кучи билан Пудратчи хисобидан нуксонларни бартараф этиш ҳамда нуксонларни ўз вактида бартараф этилмаганлигидан келтирилган зарарни ва бажарилган иш қийматини ундириш хукукига эга.

57. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вактида молиялаштирулмаганлиги ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

58. Пудратчи томонидан объекти ўз вактида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирор бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

